

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.03.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

БОБОМУРОДОВ НАСРИДДИН ХАСАНОВИЧ

**ГАЗ ЁҚУВЧИ ПЕЧЛАРДАГИ ЁНИШ ЖАРАЁНИНИ НАЗОРАТ
ҚИЛИШ ВА БОШҚАРИШ**

**05.01.08 - Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш
ва бошқариш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Бобомуродов Насриддин Хасанович

Газ ёқувчи печлардаги ёниш жараёнини назорат қилиш ва бошқариш3

Бобомуродов Насриддин Хасанович

Контроль и управление процессом горения в газосжигающих печах21

Bobomurodov Nasriddin Hasanovich

Monitoring and control of the combustion process in gas-burning furnaces39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.03.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

БОБОМУРОДОВ НАСРИДДИН ХАСАНОВИЧ

**ГАЗ ЁҚУВЧИ ПЕЧЛАРДАГИ ЁНИШ ЖАРАЁНИНИ НАЗОРАТ
ҚИЛИШ ВА БОШҚАРИШ**

**05.01.08 - Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш
ва бошқариш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2018.2.PhD/T703 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Юсупбеков Нодирбек Рустамбекович
техника фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оппонентлар:

Севинов Жасур Усманович
техника фанлари доктори, доцент

Кадиров Ёркин Баходирович
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

«Ximavtomatika» МЧЖ

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети хузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.03.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «13» 06 соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (148 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (99871) 246-03-41).

Диссертация автореферати 2020 йил «06» 06 кuni тарқатилди.
(2020 йил «01» 06 даги 7 рақамли реестр баённомаси).



Ф.Т.Адилов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раис ўринбосари,
техника фанлари доктори, профессор

У.Ф.Мамиров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Х.З.Игамбердиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
техника фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда сўнги вақтларда газ ёқувчи печларда ёқилги ёнишининг мураккаб технологик жараёнларини автоматик назорат қилиш ва бошқариш масалаларини иссиқлик жараёнларини автоматик бошқариш тизимларига ҳамда натижаларни операторга маслаҳат кўринишида ёки объектда жойлашган ижро механизмларига бошқариш таъсирлари – сигналлари сифатида узатувчи ЭХМ ларга юклашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Иссиқлик-технологик жараёнларда ресурс ва энергия тежамкорликни таъминлаш мақсадида «Саноат 4.0» деб номланган тўртинчи саноат инқилоби воситаларидан кимё, нефткимё, металлургия, озиқ-овқат ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳаларида фойдаланиш»¹ саноат тармоқларида етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Бу борада Америка, Европа ва Осиёнинг ривожланган мамлакатларида тўртинчи саноат инқилоби воситаларидан саноатда фойдаланиш даражаси бўйича глобал харита ишлаб чиқилган бўлиб, унда энергия тежамкор технологияларни қўллаб-қувватлаш ва кўп параметрли бошқаришни таъминловчи автоматлаштиришнинг экстремал бошқариш тизимларини амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланмоқда.

Жаҳонда газли аралашмалардан иборат ёқилги ёқувчи мураккаб технологик жараёнларни бошқариш сифатини оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан, газ аралашмаларини печларда ёниш жараёнини назорат қилиш ва бошқариш орқали жараён самарадорлигини ошириш, атмосферага ташланадиган чиқинди газлардаги зарарли моддалар миқдорини камайтириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда ҳозирги кунда фан ва техниканинг технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш ва бошқариш йўналишлари муҳим ҳисобланиб, жумладан, иссиқлик-технологик жараёнларни автоматлаштириш ва бошқаришда энергия ва ресурс тежамкорликни таъминловчи бошқариш тизимларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «... иқтисодийнинг энергия ва ресурс сарфини қисқартириш, ишлаб чиқаришга энергия тежамкор технологияларни жорий этиш, иқтисодий тармоқларидаги меҳнат унумдорлигини ошириш»² вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан, газ ёқувчи печларда ёқилги газини тўла ёнишини бошқариш орқали чиқинди газлар таркибидаги зарарли моддалар миқдорини камайтириш, ёниш жараёни самарадорлигини ошириш ва энергия тежамкорликка эришиш имконини берувчи ростлагичлар асосида иссиқлик алмашилишининг мураккаб технологик жараёнларини бошқаришнинг юқори самарали тизимларини синтезлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

¹ Embracing Industry 4.0 and Redicovering Grawth. URL: <https://www.bcg.com/capabilities/operations/embracing-industry-4.0-redicowering-growth.aspx> (accessed 3 January 2017).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 22 февралдаги ПҚ-3557-сон «Иқтисодиёт базавий тармоқларидаги лойиҳа ишларини ҳамда муҳандис-лойиҳаловчиларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон миқёсида илмий-тадқиқотлар натижасида печ ва агрегатларда газ ёқилғисини ёниш жараёнини назорат қилиш ва бошқаришнинг самарали тизимларини ривожлантиришга: “Honeywell”, University of California, Massachusetts Institute of Technology (АҚШ), “Linde Aktiengesellschaft”, “Jasper GmbH” (Олмония), “Mitsubishi hitachi power systems” Ltd (Япония), Cuenod (Франция), Imperial College London (Буюк Британия), Shell Global Solution (Буюк Британия-Голландия), Osaka University ва Tokyo Institute of Technology (Япония), Korea Advanced Institute of Science and Technology (Жанубий Корея), “Лазиска” (Польша), “ПромМатика” компанияси (Россия), Магнитогорск давлат технологиялар университети (Россия) каби етакчи фирмалар, илмий ва олий таълим муассасалари ҳамда Johannes Josef, Edmund Martin, Cameron Endrew, Akinori Hayashi, Yasuhiro Wada, Гинтер Груча, Хенрик Тимовски, А.С.Соколик, Б.А.Казанский, М.А.Таймаров, В.А.Арсеев, А.В.Кавалеров, В.Н.Бабошин ва бошқа хорижий олимлар ҳисса қўшишган.

Мамлакатимизда иссиқлик-технологик жараёнлари самарадорлигини оширишнинг илмий муаммоларини ечишга Н.Р.Юсупбеков, Ш.М.Гулямов, Д.Н.Мухитдинов, С.Г.Закиров ва бошқа олимлар ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшишган.

Бироқ сўнгги йилларда печларда ёқилғини ёқишнинг горелкали ва ҳаволи оқимни оптимал ўзаротаъсири натижасида ёқишни мураккаб гидродинамик схемаси ҳосил бўлиб, ёқилғини машъалали ёниш жараёни кинетикаси ҳисобга олинмаган иссиқлик ва масса алмашилиш оқимларини ўзаро таъсирини берувчи аралаш схемани қўллаш масаласи бугунги кунгача тўла ўрганилмаган ва у чуқур назарий ва тажрибавий тадқиқотни талаб этади. Технологик воситалар ва тўртинчи саноат инқилоби талабларини ҳисобга олган ҳолда газ ёқиш печларида ёқилғи ёқиш мураккаб технологик жараёнини назорат қилиш ва бошқариш масалаларини тадқиқ этишга замонавий жихатдан қаралса, интеграллашган саноат ишлаб чиқариш шароитларига мослашувчи тизимли интеграллашган ёндашувни қўлланилиши ҳаётий циклнинг барча босқичларида маҳсулот сифатини

бошқариш масалаларини ечишга ёрдамлашувчи структуравий-моделли мажмуани ишлаб чиқиш ва асослаш имконини беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари режаларининг Ф-4-56 – «Мураккаб технологик объектларни структуравий-параметрик синтезлашнинг назарий асослари ва усулларини ноаниқ-тўпламли тушунчалар асосида ишлаб чиқиш» (2012-2016), А-5-42 – «Априор ноаниқлик шароитида технологик объектларни автоматлаштирилган мониторинги ва бошқаришни интеллектуаллаштиришнинг дастурий инструментал воситаси» (2015-2017), ОТ-Ф7-88 – «Тоза маҳсулотлар олишнинг мураккаб кимё-технологик тизимларининг энергия ва ресурс тежамкор иссиқлик ва масса алмашиниш жараёнларини назарий асосларини такомиллаштириш» (2017-2020) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади саноат ишлаб чиқаришининг газ ёқувчи печларида ёқилғи ёниш жараёнларини назорат қилиш ва бошқариш тизимларини структуравий-параметрик синтезлаш ва таҳлил қилишнинг усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

саноат газ ёқувчи печларда ёқилғини машғалали ёнишининг мураккаб технологик жараёнларини назорат қилиш ва бошқариш назарияси ҳамда амалиётнинг замонавий ҳолатини таҳлил қилиш, уларни келгусида ривожланиш ва такомиллашиш тенденцияларини аниқлаш;

газ ёқувчи печларнинг чиқиндиларидаги тутун датчигининг метрологик тавсифларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш;

чиқинди газ аралашмалари ва углерод оксидлари таркибини аниқлаш учун тропик тузилишли ўлчаш асбобини ишлаб чиқиш;

газ ёқувчи печлардаги ёқилғини машғалали ёниш технологик жараёнини математик моделлаштириш;

ёқилғи ёниш жараёнини оптимал бошқариш масаласини қўйиш ва ечиш;

газ ёқувчи печлар ва қурилмалардаги чиқинди газлар таркибидаги углеводород (C_nH_m) лар ва углерод оксид (СО) лари миқдорини аниқлаш учун тропик тузилишли ўлчаш асбобини метрологик тавсифларини ўрганиш;

газ ёқувчи печларда ёқилғи ёниш жараёни тежамкорлигини назорат қилиш ва бошқариш тизимлари фаолиятини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти саноат печларида ёқилғини машғалали ёниш жараёнларини назорат қилиш ва автоматик бошқариш тизимлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети саноат газ ёқувчи печларидан чиқиб кетаётган чиқинди газлар таркибидаги зарарли моддалар миқдорини ва таркибини бирламчи ўлчаш ўзгарткичларини структуравий-параметрик синтезлаш ва таҳлил қилиш, газ ёқиш печларида ёқилғини машғалали ёниш жараёнларини назорат қилиш ва бошқариш тизимларини синтезлаш усуллари ва алгоритмларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида кимё, нефтни қайта ишлаш ва қурилиш материаллари саноати соҳаларидаги технологик ўлчаш

усуллари ва алгоритмлари, шунингдек мураккаб технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни назорат қилиш ва бошқариш тизимларининг назарий аппаратларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

чиқинди газ аралашмалари таркибидаги зарарли моддалар (CO) ва (C_nH_m) концентрацияларининг мақсадли параметрларини селектив аниқлашни таъминловчи ИҚ-диапазонда ютилишини ўлчашнинг спектрофотометрик усули асосида аниқлаш учун ўлчаш блокини қуришнинг физик тамойиллари асосланган ва шакллантирилган;

уч компонент (углеводород, углерод монооксид ва диоксид)ли газ анализаторининг нодисперсион инфрақизил ўлчаш усулига асосланган оригинал аралаш оптик схемаси ишлаб чиқилган;

қиёслаш газли аралашмалар (« $\text{CO}+\text{ҳаво}$ », « $\text{CO}+\text{N}_2$ », « $\text{C}_3\text{H}_8+\text{ҳаво}$ » ёки « $\text{C}_3\text{H}_8+\text{N}_2$ ») асосида концентрацион боғлиқликлар олинган, босим ва ҳарорат датчикларининг шкалалари даражаланган ҳамда «TAZAL» асбобининг кўрсатишлари ҳароратга боғлиқ тўғрилаш киритиш усули асосланган;

тропик иқлим шароитларида ишловчи нодисперсион оптик газ анализатори ишлаб чиқилган ва асбобни намлик юқори шароитларда ишончли ишлаши ва ўлчаш хатоликлари асосий хатоликдан ошмаслиги аниқланган;

газ ёқувчи печлардаги ёниш жараёни тежамкорлигини ёқиш экранининг иссиқликни ўзига олиши бўйича корректловчи сигнали билан ростлашнинг экстремал тизимини қуриш масаласи максимал тезкорлик масаласи каби қўйилган ва ечимлари ишлаб чиқилган;

ўзгарувчан қадамли экстремал ростлаш масаласини ечишнинг иккита («орттирма бўйича» ва «иккинчи фарқ бўйича») усулларини солиштирма тадқиқи ўтказилган ва мавжуд қурилмаларга хос бўлган шароитларда ишлаш имкониятига эга бошқариш тизими ишлаб чиқилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

газ ёқувчи печларнинг тутун газлари таркибидаги газ чиқиндилари уч компоненти (углерод диоксида, углерод монооксида ва углерод) ни селектив ўлчаш учун тропик тузилишли газ анализатори макети ишлаб чиқилган;

тажриба-саноат синови ўлчаш асбобининг аниқлик тавсифларини ошириш учун унинг конструкциясига томчи тўплагичдан конденсатни чиқариш учун микронасос, шунингдек интерференцион фильтрли обтюратор юриткичи учун типик мотор киритиш зарурлиги асосланган;

печларда газни ёниш жараёнини назорат қилиш ва бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими ишлаб чиқилган;

таркибида юқори метрологик тавсиф ва ишончлилик кўрсаткичларига эга газ анализатори мавжуд бўлган экстремал бошқариш тизими ишлаб чиқилган;

ўтхона экранларини иссиқликни ўзига олиш сигнали бўйича печдаги ёниш жараёнини сифатли бошқарадиган, иссиқлик ғалаёнларига турғун бўлган экстремал ростлаш тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда олинган натижаларнинг ишончлилиги ва асосланганлиги классик математик аппаратнинг тўғри ва қатъий қўлланилиши ҳамда назарий натижаларнинг

саноат ишлаб чиқариши газ ёқиш печларида ёқилғи ёниш жараёнини назорат қилиш ва бошқариш тизимларини маълум прототипларини тажриба-ишлаб чиқариш синови ижобий натижалари билан тўла мос келишига асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти горелка ва иссиқлик қабул қилувчи экранларни турли вариантларда уйғунлаштириб, ёнишнинг аралаш схемаларида ёқилғини машғалали ёниш жараёнлари қонуниятларини тадқиқ этиш, ёқилғи ёнишига конструктив, уйғунлаштириш ва режимли омиллар, ёниш аэродинамикаси ва азот оксидини ҳосил бўлиш таъсирини аниқлашдан иборат.

Диссертация тадқиқотининг амалий аҳамияти берилган ёқилғи тури учун ёнишнинг самарадорлиги ва экологиклиги бўйича мавжуд кўрсаткичларни яхшилаб, саноат печларида ёқилғи ёқиш самарадорлигини баҳолаш усулини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Газ ёқувчи печлардаги ёниш жараёнини назорат қилиш ва бошқариш тизимларини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

саноат газ ёқувчи печларини чиқинди газларидаги углерод оксиди (CO) ва углеводород (C_nH_m) миқдорини аниқлаш учун газли таҳлилнинг дисперсион усулига асосланиб, тропик тузилишда ишлаб чиқилган газ анализатори «QIZILQUMSEMENT» АЖ да жорий қилинган («O‘SANOATQURILISHMATERIALLARI» Ассоциациясининг 2019 йил 17 декабрдаги №02/10-3326-сон маълумотномаси). Натижада электр-кимёвий газ анализаторининг аниқлиги ошган;

газ ёқувчи печларда ёқилғи ёқишнинг реал технологик жараёнини бошқариш тизими математик модели «QIZILQUMSEMENT» АЖ да синовдан ўтказилган («O‘SANOATQURILISHMATERIALLARI» Ассоциациясининг 2019 йил 17 декабрдаги №02/10-3326-сон маълумотномаси). Натижада табиий газ ёқишни бошқариш тизими фаолияти сифатига бўлган талабга эришиш имконияти таъминланган;

газ ёқувчи печларда ёқилғи ёниш жараёнини бошқаришнинг оптимал тизими ишлаб чиқилган ва пропорционал-интеграл-дифференциал ростлагичнинг оптимал сошлаш параметрларини ҳисоблаш масаласи ечимлари «QIZILQUMSEMENT» АЖ да жорий қилинган («O‘SANOATQURILISHMATERIALLARI» Ассоциациясининг 2019 йил 17 декабрдаги №02/10-3326-сон маълумотномаси). Натижада ёқилғини экологик меъёрларга амал қилган ҳолда ёқишнинг тежамкорлиги ҳамда ўткинчи жараёни талаб этилган сифати таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация тадқиқоти натижалари 9 та илмий-техник, жумладан 7 та халқаро анжуманларда муҳокама қилинган ва қўллаб-қувватланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш, шулардан 15 таси – Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тавсия этган илмий нашрлардаги мақолалар, жумладан, 3 таси хорижий илмий журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 121 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги асосланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, тадқиқот натижаларини апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Газ ёқиш печларидаги ёниш жараёнини **автоматик назорат қилиш ва бошқариш назарияси ва амалиётининг замонавий ҳолати**» номли биринчи бобида барча ривожланган давлатларда атмосфера ҳавоси ифлосланишини камайтириш учун қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинганлиги, зарарли компонентли чиқиндиларга бўлган меъёрларни ўрнатилганлиги ва атроф-муҳитни газ чиқиндилари билан ифлослантиришга қарши курашишда метрологик таъминот етакчи ўринни эгаллаши кўрсатилган.

Диссертация ишида газ ёқувчи печлардан чиқиб кетувчи ишлатилган газлардаги зарарли моддалар таркибини аниқлаш учун газ аралашмаларининг газ анализаторини ишлаб чиқиш масаласи кўйилган.

Газ ёқувчи қурилмаларни автоматлаштирилган бошқариш тизимлари технологик қурилма ва печларнинг ишончилиги ва техник-иқтисодий кўрсаткичларини ошириши кўрсатилган. Бунда ёқилғининг йўқотилиши уни ёқишни такомиллаштириш билан қарама-қаршидир.

Экстремал ростлашни амалга оширишда ёқилғини ёниш жараёнининг оптимал параметрларини аниқлаш аналитик ёки ишлаб турган печларда ўтказилаётган тадқиқот натижалари бўйича тажриба йўли билан аниқланади. Экстремал ростлашнинг очиқ тизимлари аҳамиятли даражадаги статик хатоликка эга бўлиши мумкин. Бунда, объектнинг статик тавсифи экстремумини топиш, қидириш усуллари ёрдамида бажарилиб, унда ишчи нуқтани оптимумдан оғиш ишораси ва мутлақ қиймати аниқланади ҳамда экстремумга томон ҳаракат амалга оширилади. Тезкор чизиқли тизимларнинг ушбу синфи бошқариш тизими ишининг сифатини тавсифловчи оптимумнинг жорий қийматини бевосита назорат қилишни амалга оширади.

Газ ёқувчи қурилмаларнинг ишончли ва ҳалокатларсиз ишлаши, кўпинча, қиздиришнинг ўтхона экрани шаклидаги иссиқлик-кучланишли сиртининг ечимларига боғлиқ бўлиб, газ ёқувчи печларнинг аэродинамик иш режимлари ва конструктив тузилишида акс эттириладиган кўп сондаги конструктив ва фойдаланиш параметрлари билан тавсифланади. Печлар ўтхонаси ҳажмидаги машъаланинг структураси ва геометрияси газ ёқувчи қурилмаларнинг бутун ҳажми бўйлаб харорат профили ва иссиқлик оқимининг газли таркибини белгилаб беради. Ҳозирги кунда иссиқлик юктамаларини ўлчашнинг ишлатилаётган усуллари, воситалари, кўчма термозондлари ва бошқалар уларга қўйилган талабларга жавоб бермайди.

Газ ёқувчи қурилмаларда ёқилғини ёниш жараёни тежамкорлигини таъминлаш масаласи ҳанузгача ўзининг долзарблигини сақлаб қолганлиги кўрсатилган.

Диссертациянинг «Газ ёқувчи печ ва қурилмалардан чиқаётган чиқинди газлардаги углерод оксидлари ва углеводородлар таркибини аниқлаш асбобини ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш» деб номланган иккинчи бобида газ аралашмаларидаги СО ва C_nH_m таркибини ўлчашнинг физик тамойиллари асосланган. Ўлчаш ўзгартиргичини қуришнинг асосига газли таҳлилнинг спектрофотометрик усули қўйилган бўлиб, унинг муҳим афзалликларига: конструктив амалга оширилиши, ўлчаш усулининг нисбатан соддалиги, тезкорлиги, бир ва кўп мартали ўлчаш таҳлилин амалга ошириш имкониятининг мавжудлиги, шунингдек углерод оксидларини ((СО) $I_{max}=4,7$ мкм, метан (CH_4), пропан C_3H_8 ва бошқа углеводородлар 3,4 мкм, углерод диоксиди (CO_2) эса 4,27 мкм ютиш диапазонига эга) юқори селективлик билан таҳлил қилиши киради.

Реал шароитларда ўтказиш коэффициентини газли аралашма концентрациясига боғлиқлиги Бер-Бугер қонунининг экспоненциал шаклидан оғиши аниқланган:

$$U = U_0 \exp(-acl), \quad (1)$$

бу ерда a – газли аралашма оқимининг ютиш коэффициенти; U_0 – тушувчи нур дастасини жадаллиги; c – газли аралашма концентрацияси; l – нурланиш дастаси йўлининг узунлиги.

Диссертация ишида ўлчаш хатолигига, метрик зичлик қиймати 0,4 бўлганда, эришилиши назарий асосланган. Қуйидаги боғлиқликлар олинган:

$$dc/c = Sc * c = -0,4353dT/(T \lg T) = 0,4343S_T/(T / \lg T), \quad (2)$$

ёки

$$\Delta c/c = 0,4343\Delta T/T \lg T. \quad (3)$$

Мос ўзгартиришлар натижасида қуйидаги боғлиқлик олинган бўлиб, Sc параметр 5÷10 параллел ҳисоблар асосида аниқланади:

$$Sc/c = S_A/A = 0,4343S_T/10 - A \cdot A_c. \quad (4)$$

Назарий ва тажрибавий усуллар билан қуйидагилар аниқланган:

1. (2) ва (4) тенгламалар пасайтирилган қайта тикланувчанликка эга бўлиб, у орқали концентрацияни аниқлашнинг (2) ва (4) тенгламалардагидан 0,88% га кам Δ нисбий хатолик билан янада ёрқинроқ қайта тикланишли фотометрияни амалга ошириш мумкин.


2. Ўлчашнинг умумий хатолиги иккиланган минималдан ошмайдиган ҳолларда бир нурли спектрофотометрлар ва икки нурли фотоколориметрлар учун оптик зичликлар интервали умум қабул қилинган (0,12-1,2) дан фарқли равишда, 1,35 – 1,45 диапазондаги қийматгача эришади.

3. $A \leq 0,1$ бўлганда, Δ хатоликнинг қиймати кескин ошиши сабабли, ўлчаш соҳаси ноқулай ҳисобланади. Ҳар бир маълум вариант учун энг яхши қайта тикланувчанликни таъминлаш учун газ анализаторининг беқарорлиги ва сезгирлигини эътиборга олган ҳолда ўлчашнинг оптимал соҳасини аниқлаш мақсадга мувофиқ. Оптик зичликнинг мақбул диапазони 0,1 дан 0,7 гачани ташкил этади. Оптик зичлик 0,7 дан катта бўлганда ўлчашларни ўтказмасликка сабаб, ўлчанаётган параметр сатҳининг кичиклиги билан белгиланади.

Кюветалар узунлигини танлашда, бошқа бир омил – унинг физик ҳажми муҳим аҳамиятга эга. Мазкур ҳолатда кювета оптик йўлининг 4 узунлик мезони мақбул ҳисобланади. Уни биз 145 мм қилиб қабул қилганмиз, чунки оптик йўлининг мазкур узунлигида CO (10% ҳаж.) ва C_nH_m (1% ҳаж.) лар максимал миқдорда бўлганда газ қатламларининг кўриб чиқиладиган параметрлари қуйидагича бўлади: уларнинг оптик йўллари D_{CO} (10% ҳаж.) = 0,84 ва D_{CH} (1 ҳаж.) = 0,48 жуда яқин.

Ишда газ чиқиндилари таркибидаги углерод монооксиди, углеводород ва углерод доиоксиди концентрациясини назорат қилишга мўлжалланган газ анализатори тадқиқ этилган. Таҳлил қилинаётган учта компонент ҳам спектрнинг инфрақизил соҳасида фаол бўлганлиги сабабли, ўлчашнинг юқори селективлиги мақсадга мувофиқдир. Таҳлил усули сифатида нодисперсион инфрақизил усули танланган. Кўрсатилган газларнинг ютилиш диапазони максимумлари $L_1 = 3,39$ мкм (углеводородлар учун), $L_2 = 4,26$ мкм (углерод диоксиди учун), $L_3 = 4,6$ мкм (углерод монооксиди учун) тўлқин узунликларида ётади. Ютилиш диапазонлари ўзаро бир-бири билан туташмайди, худди шундай улардаги компонентлар ҳам. Бундан ташқари, 3,8 – 4 мкмли спектрал диапазон ҳам мавжуд бўлиб, таҳлил қиланаётган аралашмадаги ихтиёрий газ нурланишини ютиш юз бермайди, натижада $L_4 = 3,9$ мкм тўлқин узунлиги асосий узунлик сифатида қабул қилинади. Юқори метрологик параметрларга эришиш учун бир нурли кўп каналли схема бўйича қурилган ИҚ-газ анализаторлари ишлатилади. Бунда, канал деганда газни ўтказиш миқдори ўлчанадиган спектрал соҳа тушунилади. Юқорида қайд этилган, газ аралашмаси таркибидаги учта компонентни тадқиқ этиш учун тўртта: учта ишчи ва битта асосий канал зарур. Ишда газнинг оптимал оптик зичлигини олиш учун ишчи кюветаларнинг узунликлари углерод диоксиди учун 0,4 см, углеводородлар ва углерод монооксиди учун 14,5 см бўлиши аниқланган. Шулардан келиб чиққан ҳолда, газ анализаторининг ТРШ 1500-2300 чирокларидан иборат иккита бир хил 1 ва 1' нурланиш манбалари (1-расм); нурланишнинг ёруғлик оқимларини ҳосил қилиш учун 2 ва 2' линзалар; иккита ёруғлик оқимини аралаштиришга ёрдам берувчи 3 ёруғлик ажратувчи пластиналар; таҳлил қилинаётган газ аралашмаси кетма-кет ҳайдаладиган иккита 4 ва 5 ишчи кюветалар (4 ишчи кювета узунлиги 14,5 см, 5 кюветаники – 0,4 см); тўртта интерференцион ёруғлик фильтри 7 ўрнатилган диск 6; диск 6 ни айланма ҳаракатга келтирувчи двигатель 8; линзалар 9; ўзида совитиладиган термостатли фото қаршиликли ФУО-614 ни намоён этувчи фото қабул қилгич 10 лардан ташкил топган оригинал аралаш оптик схемаси таклиф этилган.

Чирок 1 дан чиққан нурланиш кювета 4 орқали ўтиб, ёруғлик ажраткич пластина 3 дан қайтиб, кювета 5 га тушади ва кейин ёруғлик фильтри 7 га, навбати билан диск 6 айланганда ёруғлик оқимига қўшилади ва ўтказиладиган тўлқин узунликлари λ_1 , λ_2 , λ_3 ва λ_4 . Чирок 1' дан чиққан нурланиш ёруғлик ажратувчи пластина 3 орқали ўтиб, ишчи кювета 5 ва ёруғлик фильтри 7 га тушади. Линзалар 9 ёрдамида фото қабул қилгич 10 да фокусланади, чироклар 1 ва 1' дан чиққан ҳамда кюветалар 4, 5 га ютилган нурларнинг тўлқин узунликлари турличалиги ёруғлик импулси бўлиб шаклланади.



1-расм. Газ анализаторининг оптик схемаси.

Кюветалар 4 ва 5 да у ёки бу концентрациядаги газ компонентлари пайдо бўлганда мос тўлқин узунликларидаги ёруғлик оқимини ютилиши юз беради:

$$\Phi_{1,1'} = \Phi_0 (e^{-c_i k_i l_1} + e^{-c_i k_i l_2}), \quad (5)$$

бу ерда Φ_0 – 1 ва 1' чироклардан чиқувчи ёруғлик оқими; c_i – i -компонентнинг концентрацияси; k_i – i -компонентнинг ютиш коэффициентини; l_1 – 4, 5 кюветаларни умумий узунлиги; l_2 – 5 кюветанинг узунлиги.

(5) тенгламадан кўришиб турибдики, аниқланаётган компонентнинг катта бўлмаган концентрацияларида 1 чирокдан чиқаётган ёруғлик оқимини ютилиши кузатилади. Катта концентрацияларда 1 чирокнинг нурланиши тўла ютилади:

$$e^{-c_i k_i l_1} = 0, \quad (6)$$

1' чирокнинг ёруғлик оқими эса ўзгаришга дучор бўлади.

Шундай қилиб, аниқланаётган компонентни концентрациянинг кенг диапазонида таҳлил қилиш мумкин бўлади. Таҳлилнинг селективлигини ошириш ва ёруғлик оқими йўқолишини камайтириш учун ёруғлик ажратувчи пластина 3 ишлатилади, у ўзида λ_2 тўлқин узунлигини ўтказадиган ва қолган барча тўлқин узунликлари (λ_1 , λ_2 , λ_3 ва λ_4) ни қайтарувчи интерференцион ёруғлик фильтрини намоён этади. Шунинг учун ҳам λ_2 тўлқин узунлигига мос келувчи нурланиш фақат 5 кювета (углерод диоксидини таҳлил қилувчи кювета) орқали, λ_1 , λ_2 , λ_3 ва λ_4 тўлқин узунликларидаги нурланишлар эса иккита 4 ва 5 кюветалар орқали ўтади. Бу ютиш коэффициентлари турлича бўлган газли компонентларни катта селективлик билан ўлчаш имконини беради.

Таҳлилни ўтказиш учун газ намунаси тайёрланган ва ишчи кюветага солинган бўлиши лозим. Ишда кўриб чиқиладиган газ анализатори учун намунани тайёрлаш схемаси келтирилган.

«TAZAL» асбобининг концентрациявий боғлиқликларини тадқиқ этиш учун газли баллонларда тайёрланган қиёсловчи газ аралашмаларидан фойдаланилди. Газ аралашмаларининг таркиби: «СО+ҳаво» ёки «СО+N₂» ва C₃H₈+ҳаво» ёки «C₃H₈+N₂». Тадқиқот созланган ўлчаш асбобларида ўтказилган. Концентрациянинг ўзгаришидан келиб чиқиб, ўтказиш миқдори аниқланган. Ўлчаш натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўлчаш натижалари

ҚГА	Асбоб №2	Асбоб №17	ҚГА	Асбоб №2	Асбоб №17
СО+N ₂ , % хаж.	T _{со}	T _{со}	C ₃ H ₈ + N ₂ , ppm	T _{с3н8}	T _{с3н8}
0	1	1	0	1	1
0,95	0,912	0,917	1420	0,847	0,849
1,79	0,866	0,875	2770	0,732	0,735
4,52	0,784	0,797	3700	0,670	0,673
7,09	0,731	0,745	5050	0,594	0,591
8,95	0,702	0,716			

Боғлиқликлар, нур ўтказишни ўзгариши концентрацияга экспоненциал қонун бўйича мослиги аниқланган.

Бугер-Ламберт-Бер қонунига кўра, боғлиқликнинг кўриниши қуйидагича:

$$T = T_0 \cdot \exp(alc), \quad (7)$$

бу ерда: T_0 , T – газ ўтишигача ва ундан кейинги ўтказиш; a – ютилиш коэффициентлари; l – ютувчи қатламни узунлиги; c – ўлчанаётган газ концентрацияси.

Ўлчанаётган газларнинг концентрациялари қанчалик катта бўлса, боғлиқлик Бугер-Ламберт-Бер қонунидан шунчалик оғишга эга бўлади. Энг аниқ боғлиқлик кубик тенглама билан тавсифланади.

Азотдаги СО концентрациясининг ўтказиш T га типик боғлиқлиги қуйидаги кўринишга эга:

$$C_{со} = (1 - T)[5,47653 + (1 - T)(26,02161 + (1 - T)(100,7986))]. \quad (8)$$

Азотдаги C₃H₈ концентрациясининг ўтказиш T га типик боғлиқлиги қуйидаги кўринишга эга:

$$C_{с3н8} = (1 - T)[8080,961 + (1 - T)(-201,2232 + (1 - T)(17604,36))]. \quad (9)$$

C₃H₈ учун боғлиқлик яхши қайта тикланади, тавсифлар деярли фарқларсиз. СО бўйича боғлиқлар ўртасидаги фарқ сезирларлироқ. Демак, СО бўйича шкалани шахсий даражалаш талаб этилади.

Қиёсловчи газ аралашмалари («СО+ҳаво», «СО+N₂», «C₃H₈+N₂», «C₃H₈+ҳаво» ёки «C₃H₈+N₂») билан концентрацияли боғлиқликлар тадқиқ этилган, турли созланган ўлчаш асбобларида ўлчаш натижалари ўрганилган, босим ва ҳарорат датчикларини шкалалари даражаланган, шунингдек «TAZAL» асбобининг кўрсаткичларига ҳарорат бўйича тўғрилашлар киритилган.

«Газ ёқувчи печларда ёқилғини ёниш жараёнини оптимал бошқариш тизимларини ишлаб чиқиш» номли учинчи бобда иссиқлик-технологик печларда ёқилғини ёниш жараёни тежамкорлигини оптимал бошқариш масаласини таркибий қўйилиши амалга оширилган ва унинг ечимлари берилган. Ёниш жараёни тежамкорлигини экстремал бошқаришни иссиқлик қабул қилиш $\Delta P_{п.б.}$ сигнали ва юкламанинг кенг диапазонида ҳаво сарфига мутаносиб иссиқлик ажратиш Q_T сигнали бўйича амалга ошириш мумкин. Таклиф этилган экстремал ростлаш тизими иккита: бошқариш объекти ва умумий ҳаво узатиш ростлагичидан иборат ички барқарорлаштирувчи контур ҳамда объект ва мақсад функциясини экстремумини ажратиш қурилмасидан ташкил топган ташқи контурдан иборат бўлиб, печда ёқиладиган ёқилғи сарфи доимий бўлганда оптимал “ёқилғи-ҳаво” нисбатини қўллаб-қувватлайди. Ростлаш тизимининг бундай қурилиши $\Delta P_{п.с}$ сигнал экстремуми ҳолатини кузатишнинг динамик аниқлигини оширади, ёки ёқилғи сарфи ўзгарган ҳолларда сарфни дарҳол оптимумга яқин қийматгача ўзгартиради. Экстремал ростлагич барқарорлаштирувчи ростлагичнинг статик ноаниқлигини бартараф этади, берилаётган ҳаво сарфига таъсир этиш орқали $\Delta P_{п.с}$ сигнални ишлаб чиқади ва уни экстремал қийматлар соҳасида тутиб туради.

Тадқиқ этилаётган ростлаш тизимларини самарадорлиги умумий йўқотишлар Π_1 ва Π_2 ни миқдори билан экстремумни қидириш орқали тавсифланади:

$$\Pi = \Pi_1 + \Pi_2 = \int_0^{t_1} (y_0 - y(t))dt + \int_{t_1}^{t_2} |y(t)|dt \rightarrow \Pi_{\min} . \quad (10)$$

Тизимнинг ишини текшириш учун $\Delta P_{п.с}$ сигнални максимумини қидиришни кадамли усулни амалга оширувчи дастурдан фойдаланилган. Усул ҳар бир кадамда олдинги ва кейинги сигнал қийматлари $\Delta P_{п.с}$ ва G_B ни фарқини ҳисоблайди:

$$R_1 = (\Delta P_{п.сI} - \Delta P_{п.сI-1}) / (\Pi_{BI} - \Pi_{BI-1}), \quad (11)$$

бу ерда R_1 – объектнинг биринчи кадамдаги статик тавсифи эгри чизиғи; I – кадам рақами.

Қадамни алмаштириш мезони $R_{\text{топ}}$ нинг қийматини аниқлаш алгоритми қуйидаги кўринишга эга:


$$(G_{B\max} - n\Delta G_B) \rightarrow (ШВЭ \leftrightarrow ШПЭ) \rightarrow R_{\text{топ}}, \quad (12)$$

бу ерда $G_{B\max}$ – статик тавсиф максимумига мос келувчи ҳаво сарфининг қиймати; ΔG_B – экстремумни тутиб туришнинг битта тактидаги ҳаво сарфини ўзгариши; n – (ШВЭ ↔ ШПЭ) нуқтадан статик тавсиф максимумигача бўлган кадамлар сони.

Асосий синовларни ўтказиш ҳамда $\eta_{оп}^k = f_1(\alpha)$ ва $\Delta P_{п.с} = f_2(\alpha)$ статик тавсифларни солиштиришда экстремумни тутиб туриш кадамларини сонли қиймати ва $R_{\text{топ}}$ ҳар бир объект учун индивидуал аниқланади. Қадамнинг қиймати, объект фойдали иш коэффициенти максимумини тизим автотексираниши соҳасидаги объектнинг статик тавсифи ($\Delta P_{п.с} = f_2(\alpha)$) ни экстремуми доирасига тушиш шартидан келиб чиқиб, берилади.

Экстремумни тутиб туриш қадамни ошиши йўқотиш Π_2 ни ошишига олиб келади.

Ёниш жараёни тежамкорлигини бошқариш тизимини модели 2-расмда келтирилган.



2-расм. Ёниш жараёни тежамкорлигини бошқариш тизимини модели:

1 – ростлаш объекти; 2 – умумий ҳаво ростлагичи; 3 – максимумни ажратиш қурилмаси (МАҚ); 4 – экспоненциал силлиқлантиришнинг дискрет фильтри; 5 – шакллантирувчи фильтр; N – дискрет оқ шовкин; НЗ – ночизиқли звено; ЧЗ – чизиқли звено.

x_i тасодифий жараённи шакллантиришнинг математик модели баҳоси куйидаги алгоритм бўйича амалга оширилувчи $\gamma(\tau)$ корреляция функцияси моделини статистик таҳлилида олинган сигнал ΔP_{PC} га асосланиб танланади:

$$R^*(\Delta\tau_j, N) = \frac{1}{N} \left(\sum_{i=1}^N P_{PC}(i\Delta t_s) \cdot P_{PC}(i\Delta t_s + j\Delta\tau) \right), \quad (13)$$

бу ерда N – танланма маълумотлари сони; Δt_s – танланма маълумотлари қадами; $\Delta\tau$ – дискрет жараён қадами.

$\Delta t_s = \Delta\tau$ бўлганда $R^*(\Delta\tau_j, N)$ га асосланиб, меъёрлаштирилган корреляция функцияси ҳисобланади:

$$(\gamma^*(\tau) = R^*(\Delta\tau_j, N) / D(\Delta P_{PC}), \quad (14)$$

бу ерда $D(\Delta P_{PC})$ – чиқиш сигнали дисперсияси.

Объектнинг ночизиқли звеноси (НЗ) ўзида иссиқликни қабул қилишни ҳаво сарфига статик боғлиқлиги $\Delta P_{PC} = f(G_B)$ ни намоён этади ва парабоола кўринишига эга:

$$\Delta P_{PC} = A \cdot (G_B - S)^2 + B(G_B - S) + C, \quad (15)$$

бу ерда A , B , C – объектни синаш натижасида аниқланадиган коэффициентлар.

Ҳаво сарфининг ўзгариши ҳолат кўрсаткичи (ХК) бўйича 0 дан 100 % гача, яъни $0 \leq S \leq 100$ назарда тутилган.

Объектнинг чизиқли звеноси (ЧЗ) ўзида «ҳаво сарфи G_v – иссиқлик қабул қилиш $\Delta P_{ПС}$ » канали бўйича узатиш функциясини намоён этади:

$$W(p) = \frac{1}{T_1^2 \cdot p^2 + T_2 \cdot p + 1}, \quad (16)$$

бу ерда T_1 ва T_2 – тажрибадан аниқланадиган вақт доимийлари.

Объектнинг чизиқли қисмини ҳисоблаш Рунге-Кутта усули билан амалга оширилади. НЗ ва ЧЗ коэффициентларининг сонли қийматлари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Моделлаштириш объектнинг звенолари ва шакллантирувчи фильтр параметрлари

Ночизиқли звено			Чизиқли звено		Фильтр	
A	B	C	T_1	T_2	m	N
0,009	1,19	3,04	0,12	9,8	0,3	0,6

3-жадвал

Объект статик тавсифининг дрейфида моделлаштириш натижалари

Халақитли тизим билан ишлаш	Объект статик тавсифининг дрейфида дисперсия										
	мавжуд эмас	Вертикал				Горизонтальный				Аралаш BD=-0.1 мВ/кадам AD=0.2 %ХК/кадам	
		BD=0.05 мВ/кадам	BD=-0.1 мВ/кадам	AD=0.1 %ХК/кадам	AD=0.15 %ХК/кадам	$\Delta P_{ПС}$ мВ ²	G_6 УП ²	$\Delta P_{ПС}$ мВ ²	G_6 УП ²		$\Delta P_{ПС}$ мВ ²
Фильтрсиз	2950	2720	431	1390	222	5610	611	16930	1158	16813	1096
Фильтрли	99	171	42	136	24	430	190	2043	356	2317	474

Имитацион моделлаштиришда халақитларни шакллантириш дисперсияси $D_N=100$ бўлган дискрет оқ шовқин ёрдамида амалга оширилди. Фойдали сигнал ва тасодикий халақит катталиклари ўртасидаги талаб этиладиган нисбатни таъминлаш учун коэффициент b нинг қиймати қуйидагича танланди:

$$b = \sqrt{\frac{R_0 - a_1 R_1 - a_2 R_2 - a_3 R_3}{D_N}} = 1,12.$$

Максимумни ажратиш қурилмаси киришидаги халақитларни филтрлаш учун чиқиш сигнали қуйидагича бўлган экспоненциал силликлантиришнинг дискрет филтридан фойдаланилди:

$$\hat{Y}_i = m \cdot \hat{Y}_{i-1} + n \cdot Y_i,$$

бу ерда m , n – филтр параметрлари (2-жадвал).

Филтрнинг оптимал параметрларини танлаш тизими учта: 1) халақитлар мавжуд бўлмаган; 2) халақитлар мавжуд ва филтрлаш мавжуд бўлмаган; 3) филтрлашга халақитлар киритилган режимларда ишлаш вақтида вариантларни тўғридан-тўғри танлаш орқали амалга оширилди.

